Ҳаж қандай ибодат?

06:00 / 23.05.2024 3777

«Ҳаж» арабча сўз бўлиб, луғатда «қасд қилиш» маъносини англатади. Уламолар таърифида эса, маълум вақтда, маълум маконда, маълум ибодатларни ният билан адо этиш ҳаждир.

Маълум вақт. Ҳажнинг ҳаж бўлиши учун албатта зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни, яъни Арафа куни бўлиши керак. Арафа кунидан бошқа ҳеч қайси кун бу куннинг ўрнини босолмайди. Шунингдек, Муздалифада туриш, Минода туриш, шайтонга тош отиш, ифоза тавофи қилиш, қурбонлик сўйиш каби ибодатлар ҳам белгиланган вақтлардагина бажарилади.

Маълум макон. Маккаи мукаррама, Мино, Арафот, Муздалифа каби жойларда махсус ибодатларни адо этиш лозим, улар бошқа жойларда қилинмайди, қилинган тақдирда ҳам ҳаж ибодати ўрнига ўтмайди.

Маълум ибодатлар. Бу ибодатларга Каъбаи муаззаманинг тавофи, Сафо ва Марва тепаликлари орасидаги саъй, Арафотдаги вуқуф, Муздалифада туриш, Минода маълум кунлар туриш ва шайтонга тош отиш каби бир қанча ибодатлар киради.

Ҳаж ибодати Ислом динининг беш рукнидан бири ҳисобланади. Унинг фарзлигига Қуръони Каримнинг ўзи далил. Аллоҳ таоло айтади:

«Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш бурчдир. Ким куфр келтирса, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир». *(Оли Имрон сураси, 97-оят)*.

Демак, ушбу ояти карима далолатига кўра, қодир кишиларга Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳаж қилиш фарздир. Ҳажнинг фарзлиги Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати мутоҳҳараларида ҳам таъкидлаб айтилган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом беш нарсага барпо қилинган: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир» деб гувоҳлик бериш, намозни тўкис адо этиш, закотни бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар»

Имом Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Байтуллоҳни ҳаж қилиш беш рукндан бири экани ушбу ҳадисдан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ҳаж ибодатининг бошқа ибодатлардан бир фарқи шуки, у ҳаммага ҳам бир пайтнинг ўзида фарз бўлавермайди, балки айрим шартларига мувофиқ келган мусулмонларгагина фарздир. Масалан, юқорида ўқиган оятимизда, қодир бўлган одамларга Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш фарз бўлади, дейилган. Шу оятга суянган ҳолда ва бошқа ҳадислардан далиллар топиб, уламолар кишига ҳаж фарз бўлиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши кераклигини таъкидлашган:

1) мусулмон бўлиши;

2) балоғатга етган бўлиши;

3) оқил бўлиши;

4) ҳажга қодир бўлиши;

5) соғ-саломат бўлиши;

6) ҳукумат ман қилмаган бўлиши;

7) йўлда омонлик бўлиши;

8) аёл кишига маҳрами бўлиши;

Кимда ушбу шартлардан бирортаси бўлмаса, унга ҳаж фарз бўлмайди.

Энди мазкур шартларни бирма-бир кўриб чиқсак, масала янада равшанлашади.

1. Ҳажга отланган киши мусулмон бўлиши шарт. Мусулмон бўлмаган одамнинг ҳаж қилиши у ёқда турсин, ҳатто Ҳарамнинг чегарасидан кириши мумкин эмас. Ҳаж, Байтуллоҳнинг тавофи ва бошқа ибодатлар банда учун улкан шараф. Бу шараф фақат мусулмонга раво кўрилади.

2. Балоғатга етган бўлиши шарт. Ҳамма ибодатлар қатори ҳаж ибодати ҳам балоғатга етмаган ёш болаларга фарз бўлмайди. Ёш болаларга гуноҳ ёзилмайди.

3. Оқил бўлиши шарт. Шариатимиз ақлга асосланган. Ақли йўқ кишиларга таклиф ҳам йўқ.

4. Қодир бўлиши шарт. Бу шартда асосан моддий тараф – маблағ кўзда тутилган. Ҳаж фарз бўлиши учун ўзининг ва оиласининг эҳтиёжидан ошиқча, ҳажга бориб келишига етадиган маблағи бўлиши керак. Қарз олиб, ҳожати аслиясида бўлган уйини ёки машинасини сотиб ҳажга боришининг ҳожати йўқ. Аллоҳ таоло ҳажни имкони борларга фарз қилган, имкони йўқлар ҳаж қилишмаса, гуноҳ бўлмайди. Шу билан бирга, энг муҳим шартлардан бири – ҳажга сарф қилинадиган маблағ ҳалол йўл билан топилган бўлиши шарт, ҳаром пулдан ҳаж қилганларнинг ҳажи қабул қилинмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Албатта, Аллоҳ таоло покдир, покдан бошқани қабул қилмайди», деганлар.

5. Соғ-саломат бўлиши шарт. Баъзи ибодатлар худди намоз каби фақат бадан ибодати ёки закот каби мол ибодати бўлса, ҳаж ҳам бадан, ҳам мол ибодати ҳисобланади. Ҳажни адо этиш учун ҳалолдан топилган маблағ зарур бўлиши билан бирга, унинг машаққатли амалларини бажариш учун мустаҳкам соғлиқ ҳам керак. Шу боисдан бемор ёки ўта ожиз одамларга ҳаж фарз бўлмайди.

6. Ҳажни ҳукумат ман қилмаган бўлиши шарт. Яъни, ҳукумат динга қаршилиги сабабидан ёки бошқа бирор сабабдан ҳажни ман қилган бўлса, ўша мамлакат фуқароларига ҳам ҳаж фарз эмас. Шунингдек, ҳукумат қамаб кўйган кишилар ҳам узрли ҳисобланадилар, уларга ҳам ҳаж фарз бўлмайди.

7. Йўлда омонлик бўлиши шарт. Яъни, йўлда ҳожининг ўзига ҳам, молига ҳам ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаслиги керак. Аллоҳ таоло бандаларини хавф-хатар остига қўйиб ибодатга чорламайди.

8. Аёл кишига маҳрам бўлиши шарт. «Маҳрам» деганда эри ҳамда никоҳи абадий ҳаром бўлган бошқа эркак қариндошлари тушунилади. Чунки ҳаж машаққатли сафар, унда турли ҳолатлар, қийинчиликлар содир бўлади. Шундай пайтда аёл кишининг ёлғиз ўзи қийналиши турган гап. Шунинг учун унинг узоқ сафарга бориб-келишида хизматини қилишга ва ёрдам кўрсатишга яқин қариндошларидан бирор эркак унга ҳамроҳ бўлиши шарт.

Яна такрор айтамизки, мазкур шартлардан бирортаси вужудга келмаса, ҳаж фарз бўлмайди. Ҳаж фарз бўлмагандан кейин, уни адо этолмаган одамга ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, ҳаж умрда фақат бир марта фарз бўлади.

Ҳаж – Исломнинг беш арконидан бири бўлган улуғ рукн, Аллоҳга маҳбуб ибодатдир. Бу ибодат Аллоҳ таолога юзланиш, У Зотнинг тажаллийси, нурининг маркази бўлган масканда адо этилади. Ҳадиси шарифларда келишича, Байтуллоҳи шариф шундай маконга жойлашганки, унинг айни устида, еттинчи осмонда Байтул Маъмур, унинг устида эса Аллоҳ таолонинг Арши жойлашган. Аллоҳ таолонинг таважжуҳи, нури ва тажаллиёти дастлаб Каъбатуллоҳга нозил бўлиб, кейин бутун оламга тарқалади. Шу сабабли бу ерга келиш бахтига мушарраф бўлган мусулмонлар учун улкан саодат бор.

Ҳаж ошиқона ибодат бўлиб, у ерга бориш фақат ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаж эълонига «лаббай» деб жавоб берган кишиларгагина насиб этади. У неча маротаба лаббай деган бўлса, Каъбатуллоҳни ўшанча марта тавоф қилиш шарафига муяссар бўлади. Шунингдек, у ерга бориб, ҳаж ибодатини адо этиш яна бир саодатга сабабдир.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан